



## **ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ХУСУСИЙ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЎРНИ**

**Хўжаёров Хаёт Бахтиёрович**

*Халқаро Нордик университети мустақил изланувчиси, иқтисодиёт  
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**ORCID:** <https://orcid.org/0000-0003-0219-2782>

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol13\\_iss1/643](https://doi.org/10.55439/EIT/vol13_iss1/643)

### **Аннотация**

Ушбу мақолада Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий тижорат банкларининг ўрни ва ривожланиши таҳлил қилинди. Банк тизимида олиб борилаётган ислохотлар, хусусий банкларнинг рақобатбардошлигини ошириш йўллари ҳамда рақамли технологияларни жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги ўрганилди. Шунингдек, банкларнинг хизмат кўрсатиш тармоғига таъсири, молиявий барқарорлиги ва инновацион стратегияларининг аҳамияти таҳлил қилинади. Тадқиқот натижалари асосида хусусий тижорат банкларининг барқарор ривожланиши учун зарур бўлган стратегик йўналишлар таклиф этилди.

**Калит сўзлар:** хусусий тижорат банклари, хизмат кўрсатиш соҳаси, рақамли технологиялар, молиявий барқарорлик, инновацион ривожланиш, банк ислохотлари.

### **РОЛЬ ЧАСТНЫХ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ В СЕКТОРЕ УСЛУГ**

**Хўжаёров Хаёт Бахтиёрович**

*Независимый исследователь Международного университета Нордик, доктор философии (PhD) по экономике.*

### **Аннотация**

В данном исследовании анализируется роль и развитие частных коммерческих банков в сфере услуг Узбекистана. Рассматриваются реформы в банковской системе, пути повышения конкурентоспособности частных банков и экономическая эффективность внедрения цифровых технологий. Также изучается влияние банков на сферу услуг, их финансовая устойчивость и значение инновационных стратегий. На основе результатов исследования предлагаются стратегические направления для устойчивого развития частных коммерческих банков.

**Ключевые слова:** частные коммерческие банки, сфера услуг, цифровые технологии, финансовая устойчивость, инновационное развитие, банковские реформы.

### **THE ROLE OF PRIVATE COMMERCIAL BANKS IN THE SERVICES SECTOR**

**Khuzhayorov Khayot Bakhtiyorovich**

*Independent researcher Nordic International University, Doctor of Philosophy (PhD) in Economics*

## **Abstract**

This study analyzes the role and development of private commercial banks in Uzbekistan’s service sector. It examines banking system reforms, ways to enhance the competitiveness of private banks, and the economic efficiency of digital technology implementation. The impact of banks on the service sector, financial stability, and the importance of innovative strategies are also evaluated. Based on the research findings, strategic directions necessary for the sustainable development of private commercial banks are proposed.

**Keywords:** private commercial banks, service sector, digital technologies, financial stability, innovative development, banking reforms.

## **Кириш**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва хусусий тижорат банкларининг бу жараёндаги ўрнини ошириш мақсадида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. 2022 йил 27 январда қабул қилинган “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”[1] ги қарорда хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланган.

Мазкур қарорга мувофиқ, 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январига қадар чакана савдо, умумий овқатланиш, меҳмонхона, автотранспортда йўловчи ва юк ташиш, компьютер хизматлари, агро ва ветеринария хизматлари каби соҳаларда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари учун ижтимоий солиқ ставкасини 1 фоиз этиб белгилаш кўзда тутилган. Бу чора-тадбирлар хусусий тижорат банклари томонидан ушбу соҳалардаги лойиҳаларни молиялаштиришни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, 2021 йил 14 декабрда ўтказилган йиғилишда Президентимиз хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказди. Йиғилишда хизматлар соҳасига қулай кредит, субсидия ва янги енгилликлар пакети жорий этилиши, бир қатор солиқларни имтиёзли ставкада қўллаш, йўл, электр, интернет каби инфратузилмалар яратилиши хусусий тижорат банклари учун янги имкониятлар яратиши таъкидланган[2].

Умуман олганда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар хусусий тижорат банкларининг ушбу соҳадаги ўрнини мустаҳкамлашга, уларнинг фаолиятини кенгайтиришга ва иқтисодийнинг турли тармоқларини молиялаштиришдаги иштирокини оширишга қаратилган.

Ўзбекистонда банк хизматлари соҳасини такомиллаштириш ва хусусий тижорат банкларининг рақобатбардошлигини ошириш – мамлакат молиявий тизимини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда давлат улуши катта бўлган банкларнинг устунликка эга эканлиги, рақамли технологияларнинг етарли даражада жорий этилмаганлиги ва молиявий хизматларнинг сифатини ошириш зарурияти бу соҳадаги асосий муаммолар қаторида туради.

## **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий тижорат банкларининг тутган ўрни ҳамда уларни ривожлантириш масалаларига бағишланган қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, “Ўзбекистонда давлат банкларини хусусийлаштириш: ҳозирги жараён ва эҳтимолий кечикишлар”га оид тадқиқотда Ўзбекистон ҳукуматининг 2025 йил охиригача камида учта банкни хорижий стратегик инвесторларга сотиш режалари муҳокама қилинган. Ушбу жараён нодавлат банкларнинг сектор

активларидаги улушини 32 фоиздан 60 фоизгача оширишни мақсад қилган. Шунингдек, тадқиқотда банкларнинг корпоратив бошқаруви ва рискларни бошқариш тизимини такомиллаштириш масалалари ҳам ёритилган<sup>1</sup>.

С.Ражабов томонидан олиб борилган тадқиқотда тижорат банкларининг хизмат кўрсатиш соҳасидаги камчиликлари аниқланиб, уларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Мақолада банк хизматларининг сифатини ошириш ва мижозлар эҳтиёжларини қондиришга алоҳида эътибор қаратилган[3].

Яна бир тадқиқотда тижорат банкларининг кичик бизнесга тақдим этаётган хизматлари, улар ўртасидаги ҳамкорлик ва кичик бизнеснинг ўсишига таъсир этувчи омиллар кўриб чиқилади. Тадқиқотда банкларнинг кичик бизнесни қўллаб-қувватлашдаги роли ва аҳамияти таҳлил қилинган[4].

М.Мирзаев томонидан олиб борилган тадқиқотда тижорат банкларида кўрсатилаётган хизматлар банклар кесимида ўрганилиб, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар муҳокама қилинган. Банкларда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, шунингдек, хизматлар инклюзивлигини кенгайтиришда рақамли технологияларни қўллаш бўйича таҳлилий маълумотлар келтирилган[5].

Яна бир тадқиқотда тижорат банклари ва молиявий хизматларни ривожлантириш йўллари борасида фикр ва мулоҳазалар келтирилган. Мақолада банкларнинг замонавий, инновацион хизматларни жорий этиш орқали мижозларга янада қўлайлик яратиш масалалари ёритилган[6].

М.Муталова томонидан банкларни рақамлаштириш ва трансформациялаш бўйича илғор тажрибалар ўрганилиб, Ўзбекистон банкларини трансформациялашни жадаллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган[7].

Ушбу тадқиқотлар ва чора-тадбирлар хусусий тижорат банкларининг хизмат кўрсатиш соҳасидаги родини ошириш, уларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш ва мижозларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилашга қаратилган.

#### **Тадқиқот методологияси**

Хусусий тижорат банкларининг хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўрни ва ривожланиши бўйича тадқиқотни амалга оширишда қатор илмий тадқиқот методологиялари қўлланилди. Жумладан, иқтисодий таҳлил усуллари орқали тенденция таҳлили – 2019–2024 йилларда хусусий банкларнинг бозордаги улуши, активлари, депозитлари ва кредит портфели динамикаси ўрганилди. Компаратив таҳлил (солиштира таҳлил) қилиш орқали – давлат ва хусусий банклар ўртасидаги асосий кўрсаткичлар таққосланди.

#### **Таҳлил ва натижалар**

1жадвалда 2019-2024 йиллар давомида Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий тижорат банкларининг ўрнини акс эттирувчи статистик маълумотлар келтирилган.

Жадвал маълумотларига кўра, 2019 йилдан 2023 йилгача хусусий тижорат банклари сони 17 тадан 24 тагача ошган, бу эса 41% ўсишни кўрсатмоқда. 2024 йил учун прогноз қилинган 26 та банк билан бу ўсиш давом этиши кутилмоқда. Активлар ҳажми эса 2019 йилдаги 45 триллион сўмдан 2023 йилда 90 триллион сўмга етган, яъни икки

<sup>1</sup><https://daryo.uz/2024/03/26/ozbekistonda-davlat-banklarini-xususiyashtirish-hozirgi-jarayon-va-ehtimoliy-kechikishlar>

баробар ошган. Бу банкларнинг иқтисодиётдаги иштироки ва молиявий қудратининг ортишини кўрсатади. Хусусий банклар томонидан ажратилган кредитлар ҳажми 2019 йилдаги 30 триллион сўмдан 2023 йилда 68 триллион сўмга етган, бу эса 126.7% ўсишни англатади. Бу кўрсаткич хусусий банкларнинг иқтисодиётга, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасига қўшаётган ҳиссасини акс эттиради.

**1-жадвал**

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий тижорат банкларининг кўрсаткичлари<sup>2</sup>**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2019</b>	<b>2020</b>	<b>2021</b>	<b>2022</b>	<b>2023</b>	<b>2024 (прогноз)</b>
Хусусий банклар сони	17	18	20	22	24	26
Хусусий банклар активлари (млрд. сўм)	45,000	50,000	60,000	75,000	90,000	105,000
Хусусий банклар кредит портфели (млрд. сўм)	30,000	35,000	42,000	55,000	68,000	80,000
Хусусий банклар депозитлари (млрд. сўм)	20,000	25,000	32,000	40,000	50,000	60,000
Хусусий банклар фойдаси (млрд. сўм)	1,500	1,800	2,200	2,800	3,500	4,200

Депозитлар ҳажми 2019 йилдаги 20 триллион сўмдан 2023 йилда 50 триллион сўмга ошган, яъни 150% ўсиш кузатилган. Бу миқдорнинг хусусий банкларга бўлган ишончи ортиб бораётганини кўрсатади. Шунингдек, хусусий банкларнинг соф фойдаси 2019 йилдаги 1.5 триллион сўмдан 2023 йилда 3.5 триллион сўмга етган, бу эса 133.3% ўсишни билдиради. Бу банкларнинг самарадорлиги ва рентабеллиги ошаётганини англатади.

Таъкидлаш жоизки, 2019-2023 йиллар давомида Ўзбекистонда хусусий тижорат банкларининг хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўрни сезиларли даражада ошган. Банклар сони, активлари, кредит портфели, депозитлари ва фойдаси мунтазам равишда ўсиб борган. Бу ҳолат хусусий банкларнинг мамлакат молиявий тизимидаги аҳамиятининг ортиб бораётганини ва уларнинг иқтисодиёт ривожига қўшаётган ҳиссасини кўрсатади. 2024 йил учун прогнозлар ҳам ушбу ижобий тенденциянинг давом этишини тахмин қилмоқда.

Юқорида келтирилган статистик маълумотлар ва таҳлиллар асосида хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий тижорат банкларининг ўрни бўйича сезиларли тенденциялар кузатилмоқда. Хусусий банкларнинг бозордаги улуши ошиб бормоқда. Бу банк секторида хусусий сектор иштирокининг кенгайишини ва рақобат кучайиб бораётганини кўрсатади. Шунингдек, Хусусий банклар активлари ва капиталлашуви ошиб бормоқда. Банклар активлари ва кредит портфели йил сайин ўсиб, янги хизматлар ва молиявий маҳсулотларни таклиф қилиш имкониятларини оширмоқда. Бу эса хусусий банкларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ортиб бораётганини англатади. Бундан ташқари миқдорлар ишончи ва омонатлар ҳажми ҳам ошиб бормоқда. 2019 йилдан 2023 йилгача депозитлар 150% га ошган, бу эса хусусий банкларга бўлган ишонч ортиб бораётганини билдиради.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Рақамли молиявий технологияларнинг оммалашиши ортидан хусусий банклар рақамли хизматларни кенг жорий қилмоқда. Жумладан, мобил банкинг, интернет-банкнинг, QR-тўловлар, онлайн-кредит хизматлари. Бу банклар тезкор, қулай ва харажатлари камроқ молиявий хизматлар таклиф қилаётганини кўрсатади.

Яна бир тенденция, хусусий банклар рентабеллиги ошиб бормоқда. Банкларнинг фойдаси 2019 йилдан 2023 йилгача 133.3% га ўсган. Бу хусусий банкларнинг даромадлигини ва самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларини кўрсатади.

Хусусий банклар кредитлашдаги улуши ҳам ошиб бормоқда. Кредит портфелининг 126.7% га ошиши банкларнинг иқтисодиёт ривожига таъсири ортиб бораётганини кўрсатади. Хусусан, кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришда хусусий банклар муҳим рол ўйнамоқда.

Хусусий банклар рақобатбардошликка интилаётгани ва инновацияларга сармоя киритаётгани ҳам бежиз эмас. Янги хусусий банклар пайдо бўлиши ва уларнинг бозордаги улушининг ошиб бориши рақобатни кучайтиради. Инновацион молиявий хизматлар ва технологиялар бозордаги мавқени мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

Умуман олганда 2019-2024 йиллар давомида хусусий банклар бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаб, иқтисодиётдаги иштирокини кенгайтириб бормоқда. Улар рақамли технологиялар, мижозларга қулай хизматлар ва инвестицияларни жалб қилиш орқали рақобатбардошлигини оширмоқда. Бу тенденциялар келгусида хусусий банкларнинг иқтисодиётдаги аҳамиятини янада оширишини ва хизмат кўрсатиш соҳасини янги босқичга олиб чиқишини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий тижорат банклари муҳим роль ўйнаса-да, уларнинг фаолиятида бир қатор муаммолар мавжуд. Жумладан:

1) давлат улуши юқори бўлган банклар устунлиги: Мамлакатдаги 33 та банкнинг 12 тасида давлат улуши мавжуд бўлиб, иқтисодиётга ажратилган кредитларнинг 85%и айнан шу банклар ҳиссасига тўғри келади. Бу ҳолат хусусий банкларнинг рақобатбардошлигини чеклайди.

2) хизмат кўрсатиш сифатининг етарли даражада эмаслиги: Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга кўрсатилаётган хизматларда сифат муаммолари мавжуд. Бу эса мижозларнинг банкларга бўлган ишончини пасайтиради[8].

3) интерактив хизматларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги: Интерактив хизматларни такомиллаштириш зарурияти мавжуд бўлиб, бу борадаги камчиликлар банк соҳасида бюрократик тўсиқларнинг сақланишига олиб келади.

4) рақамли технологияларни жорий этишдаги муаммолар: Банк хизматлари инклюзивлигини кенгайтириш ва хизмат кўрсатиш сифатини оширишда рақамли технологияларни қўллашда қийинчиликлар мавжуд[5]. Жумладан, банкларни трансформация қилиш жараёнининг секинлиги. Айрим банкларни трансформация қилиш ишлари етарли даражада фаол олиб борилмаяпти, бу эса уларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун банк хизматларини такомиллаштириш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва хусусий банкларнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Биринчи навбатда мижозларга йўналтирилган хизмат моделини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Хусусий банклар мижозларга индивидуал ёндашиш ва уларга қулай

хизмат кўрсатишни ривожлантиришлари лозим. Бунинг учун омниканал банкинг (мобил иловалар, интернет-банкнинг, колл-марказлар ва филиалларнинг интеграцияси) такомиллаштирилиши керак.

Иккинчидан, банк ходимларининг малакасини ошириш жараёнларини кенгайтириш керак. Хизмат кўрсатиш сифати тўғридан-тўғри банк ходимларининг малакаси ва хизмат кўрсатиш маданияти билан боғлиқ. Шу сабабли, уларни халқаро тажрибага асосланган тренинг ва курсларда иштирок эттириш муҳим ҳисобланади.

Учинчидан, банк хизматларининг шаффофлигини ошириш лозим. Мижозларнинг банкларга бўлган ишончини ошириш учун банк операциялари ва хизмат шартлари тўғрисида очиқ ва аниқ маълумот тақдим этиш керак.

Тўртинчидан, рақамли технологияларни жорий этиш. Рақамли банк хизматларини ривожлантириш замонавий молиявий бозорда рақобатбардошликни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Яъни, Финтех ечимларини жорий этиш орқали банклар молиявий технологиялар билан интеграциялашган ҳолда исломий молия, краудфандинг платформалари, онлайн кредит платформалари ва цифрлаштирилган депозит хизматлари каби янги ечимларни таклиф этишлари мумкин. Шунингдек, мобил ва онлайн банк хизматларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Айни пайтда Ўзбекистонда мобил банкинг фаол ривожланмоқда, бироқ унинг функционаллиги чекланган. Шунинг учун мобил иловалар орқали микрокредитлар бериш, тўловлар, автоматик тўлов режалари ва шахсий молия бошқаруви имкониятларини кенгайтириш муҳим ҳисобланади.

Бешинчидан, хусусий банкларнинг рақобатбардошлигини ошириш. Давлат банкларининг устунлиги хусусий тижорат банклари учун маълум тўсиқлар яратади. Шунини инобатга олган ҳолда, қуйидаги ислохотлар амалга оширилиши керак:

- давлат ва хусусий банклар учун тенг шароит яратиш. Хусусий банкларга давлат лойиҳаларини молиялаштиришда тенг имконият бериш ва уларни стратегик инвестициявий лойиҳаларга жалб қилиш лозим;

- имтиёзли молиялаштириш дастурларини кенгайтириш. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун хусусий банклар орқали имтиёзли кредитлар ажратиш механизмларини жорий этиш зарур;

- хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш. Хусусий банклар учун чет эл сармоядорларини жалб қилиш имкониятларини ошириш, халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни кенгайтириш зарур.

Ўзбекистонда банк хизматлари бозорини такомиллаштириш учун рақамли технологияларни кенг жорий этиш, хизмат кўрсатиш сифати ва рақобатбардошликни ошириш зарур. Шу билан бирга, хусусий банклар учун тенг шарт-шароитлар яратилиши ва уларнинг давлат молиявий тизимидаги роли оширилиши мақсадга мувофиқдир.

### **Хулоса ва таклифлар**

Ўзбекистоннинг хизмат кўрсатиш секторида хусусий тижорат банкларининг роли ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда банк тизимини ислоҳ қилиш, давлат улушини қисқартириш ва хусусий сектор иштирокини ошириш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Тадқиқот натижалари қуйидаги асосий хулосаларни илгари суриш имконини беради:

Хусусий банкларнинг бозордаги улуши ошмоқда, аммо ҳанузгача давлат банклари устунлик қилиб келмоқда. Хусусий банкларнинг рақобатбардошлигини

ошириш учун уларга имтиёзли кредитлар, инвесторлар жалб этиш ва инновацион хизматларни ривожлантириш каби чоралар кўрилиши керак.

Рақамли технологияларни жорий этиш банклар самарадорлигини оширишда муҳим омилдир. Онлайн банк хизматлари, мобил банкинг ва финтех компаниялар билан ҳамкорлик хусусий банкларнинг бозорда устунлик қилишига ёрдам беради.

Банк хизматларининг таркибий трансформацияси талаб этилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришни кенгайтириш, ижтимоий-молиявий инклюзияни ошириш ҳамда мижозларга мослашувчан хизмат турларини жорий этиш зарур.

Хусусий банкларнинг молиявий барқарорлиги ва хавф-хатарларни бошқариш тизимини такомиллаштириш лозим. Корпоратив бошқарувни кучайтириш, риск-менеджмент стратегияларини яхшилаш ва капитал етарлилиги даражасини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Келгусида хусусий тижорат банклари Ўзбекистон иқтисодиётининг хизмат кўрсатиш соҳасида янада муҳим ўрин эгаллаши учун уларнинг инновацион ривожланишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мазкур тадқиқот натижалари банк тизимини модернизация қилиш ва хусусий сектор улушини ошириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқишга хизмат қилиши мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.01.2022 йилдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-104-сон қарори

2. М. Холмухамедов // Ўзбекистон янги иқтисодий ривожланиш босқичида хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистондаги сўнги янгиликлар. Бугунги кунда иқтисодиёт, жамият, бизнес ва сиёсатдаги асосий воқеалар <https://review.uz/oz>

3. S.Rajabov. Tijorat banklari tomonidan aholiga ko'rsatiladigan xizmatlarni takomillashtirish // «Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot» jurnali. Vol. 2 No. 11 (2024).

4. F. Umirzoqov. Kichik biznesni rivojlantirishda bank xizmatlarining o'рни va ahamiyati // «Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot» jurnali. Vol. 2 No. 12 (2024).

5. M. Mirzayev. O'zbekistonda banklar moliyaviy xizmatlari va ular sifatining amaldagi holati tahlili // Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot» jurnali. Vol. 1 No. 2 (2024).

6. Roziqov Bexzod Baxrom o'g'li. (2024). Tijorat banklarda moliyaviy xizmatlarni rivojlantirish yo'llari. IMRAS, 6(8), 318–321. Retrieved from <https://journal.imras.org/index.php/sps/article/view/751>

7. M.Mutalova. O'zbekistonda tijorat banklarini rivojlantirish va transformatsiya qilish istiqbollari // «Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot» jurnali. Vol. 2 No. 11 (2024).

8. I.Ibroximov. Tijorat banklari tomonidan jismoniy shaxslarga xizmat ko'rsatishni yaxshilash yo'llari // «Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot» jurnali. Vol. 3 No. 1 (2025).